

ЧУҚУР КУЙГАН ЖАРОҲАТЛАРНИ ЭРТА ЁПИШДА ТЕРИ АУТОТРАНСПЛАНТАТЛАРИ НОСОЗЛИГИНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ

Очилов У.Б.

Бухоро давлат тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22705203>

Qabul qilindi: 1-sentabr 2026-yil • Ma'qullandi: 10-sentabr 2026-yil • Nashr qilindi: 11-sentabr 2026-yil

Оғир ва чуқур куйиш жароҳатларини эрта жарроҳлик йўли билан даволаш ва одам танасининг тери қопламини қайта тиклаш замонавий комбустиологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Эрта некрэктомия амалиёти кенг қўлланилишига қарамай, операциядан кейинги даврда маҳаллий қон айланишининг бузилиши, жароҳат инфекцияси ва трансплантат ости тўқималарининг етарлича тайёрланмаганлиги сабабли тери аутотрансплантатларининг лизиси (емирилиши) ёки кўчмай қолиши даволаш муддатини узайтиради ва такрорий реконструктив операциялар заруратини келтириб чиқаради.

Тадқиқотнинг мақсади: тери аутодермотрансплантатлари носозлиги ва лизиси хавфини прогнозлашнинг патогенетик асосланган комплексини ҳамда унинг профилактикасига дифференциаллашган жарроҳлик ёндашувини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш орқали куйган жароҳатларни эрта ёпиш натижаларини сезиларли даражада яхшилашдан иборат.

Материал ва методлар: тадқиқот объектини чуқур куйиш жароҳати олган 176 нафар беморнинг клиник-лаборатор ва функционал текширув натижалари ташкил этди. Диагностика жараёнида жароҳат ложасидаги микроциркуляция ҳолати, жароҳат микрофлорасининг бактериологик манзараси ва яллиғланиш биомаркерларининг динамикаси атрофлича ўрганилди.

Беморлар тақсимооти: тадқиқотга жалб қилинган беморлар ёши, жинси ва куйиш майдони бўйича бир-бирига мос бўлган иккита қиёсий гуруҳга бўлинди. Асосий гуруҳга куйган жароҳатларни эрта ёпишда тери аутотрансплантатлари носозлигининг олдини олиш ва прогнозлашнинг янги комплекси қўлланилган 89 нафар бемор киритилди. Назорат гуруҳини эса анъанавий жарроҳлик ва консерватив тактика бўйича даволанган 87 нафар бемор ташкил этди.

Олинган натижалар: ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган патогенетик комплексдан фойдаланиш операциягача бўлган босқичдаёқ трансплантат лизисига олиб келувчи маҳаллий ва тизимли хавф омилларини вақтида аниқлаш имконини берди. Бу эса жарроҳлик тактикасини ўз вақтида ўзгартириш, жароҳат ости тўқималарида микроциркуляцияни яхшилаш ва аутодермопластикани оптимал муддатларда ўтказишга шароит яратди.

Натижалар муҳокамаси: асосий гуруҳ беморларида дифференциаллашган ёндашувнинг қўлланилиши назорат гуруҳига нисбатан кўчириб ўтказилган тери бўлақларининг қисман ва тўлиқ некрозга учраш даражасини 2,3 бараварга камайтириш имконини берди. Бундан ташқари, жароҳатларнинг биттадан битиш муддати тезлашди, асоратлар сони қисқарди ва беморларнинг шифохонада ётиш ўртача койко-куни сезиларли даражада камайди.

Хулоса: чуқур куйган жароҳатларни эрта ёпишда тери аутотрансплантатлари носозлигини прогнозлаш ва дифференциаллашган профилактика қилиш комплексининг қўлланилиши эрта

аутодермопластиканинг ишончилигини оширади, оғир асоратларнинг олдини олади ҳамда комбустриология бўлимлари амалиётига кенг жорий этиш учун тавсия этилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Jeschke M.G., van Baar M.E., Choudhry M.A. et al. Burn injury: early excision, grafting techniques, and graft failure prevention // Nature Reviews Disease Primers. - 2020. - Vol. 6, № 1. - P. 11-25.
2. Вазина А.Г., Чмырев И.В., Скворцов Ю.Р. Факторы риска приживаемости расщепленных кожных трансплантатов при раной некрэктомии у обожженных // Военно-медицинский журнал. - 2020. - Т. 341, № 6. - С. 42-47.
3. Островский Н.В., Белянина И.Б., Захарова Н.Б. Оценка риска несостоятельности расщепленных кожных аутоотрансплантатов при раннем оперативном лечении ожогов // Саратовский научно-медицинский журнал. - 2019. - Т. 15, № 2. - С. 310-315.
4. Рахмонов Қ.Э., Муҳаммадиев М.С. Тери аутоотрансплантатларининг кўчиб кетиши сабаблари ва уларнинг олдини олиш йўллари // Журнал теоретической и клинической медицины. - 2020. - № 4. - Б. 88-92.
5. Хакимов Э.А., Рузибоев С.А., Ахмедов М.М. Куйган беморларда эрта аутодермопластика ўтказишда трансплантат битиш натижаларини яхшилаш // Ўзбекистон хирургияси. - 2018. - № 2. - Б. 45-49.
6. Эргашев О.Н., Шарипов Б.А., Рахимов А.Ж. Чуқур куйиш жароҳатларини барвақт хирургик даволашда некрэктомия ва тери пластикаси самарадорлиги // Проблемы биологии и медицины. - 2019. - № 3 (111). - Б. 112-116.